



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**4 (78) 2025**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**4 (78)**

**2025**

*апрель*

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com> E:

[ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

УҚК 616.993

## БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЛЯМБЛИОЗНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)

<sup>1</sup>Раунов Фарход Сайидович <https://orcid.org/0009-0003-4686-631X>

<sup>2</sup>Расулов Сайдулло Курбанович Email: [rasulovsaydullo@mail.ru](mailto:rasulovsaydullo@mail.ru)

<sup>3</sup>Ибрагимов Масут Юлдашевич Email: [masutibragimov70@gmail.com](mailto:masutibragimov70@gmail.com)

<sup>4</sup>Қобилов Эргаш Эгамбердиевич Email: [kobilov.1961@mail.ru](mailto:kobilov.1961@mail.ru)

<sup>2</sup>Саидова Феруза Саломовна

<sup>1</sup>Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон,

<sup>3</sup>Қорақалпоғистон тиббиёт институти. Нукус, Ўзбекистон

<sup>4</sup>Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон

✓ *Резюме*

*Самарқанд вилояти шароитида болалар ўртасида лямблиоз инвазиясининг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш орқали профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.*

*Калит сўзлар: лямблиоз, болалар, эпидемиология.*

## ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ЛЯМБЛИОЗА СРЕДИ ДЕТЕЙ (В УСЛОВИЯХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)

<sup>1</sup>Раунов Фарход Сайидович <https://orcid.org/0009-0003-4686-631X>

<sup>2</sup>Расулов Сайдулло Курбанович Email: [rasulovsaydullo@mail.ru](mailto:rasulovsaydullo@mail.ru)

<sup>3</sup>Ибрагимов Масут Юлдашевич Email: [masutibragimov70@gmail.com](mailto:masutibragimov70@gmail.com)

<sup>4</sup>Қобилов Эргаш Эгамбердиевич Email: [kobilov.1961@mail.ru](mailto:kobilov.1961@mail.ru)

<sup>2</sup>Саидова Феруза Саломовна

<sup>1</sup>Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.  
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Самаркандский государственный медицинский университет, Узбекистан

<sup>3</sup>Каракалпакстанский медицинский институт, Нукус, Узбекистан

<sup>4</sup>Самаркандский государственный университет имени Шарафа Рашидова.

✓ *Резюме*

*Разработать профилактические меры путем изучения особенности частоты лямблиоза среди детей Самаркандской области.*

*Ключевые слова: лямблиоз, дети, эпидемиология.*

## EPIDEMIOLOGY OF GIARDIASIS AMONG CHILDREN (IN THE CONDITIONS OF THE SAMARKAND REGION)

<sup>1</sup>Raunov Farxod Sayidovich <https://orcid.org/0009-0003-4686-631X>

<sup>2</sup>Rasulov Saydullo Kurbanovich Email: [rasulovsaydullo@mail.ru](mailto:rasulovsaydullo@mail.ru)

<sup>3</sup>Ibragimov Masut Yuldashevich Email: [masutibragimov70@gmail.com](mailto:masutibragimov70@gmail.com)

<sup>4</sup>Kobilov Ergash Egamberdiyevich Email: [kobilov.1961@mail.ru](mailto:kobilov.1961@mail.ru)

<sup>2</sup>Saidov and Feruza Salomovna

<sup>1</sup> Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1  
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

<sup>2</sup>Samarkand State Medical University Uzbekistan, Samarkand.

<sup>3</sup>Karakalpakstan medical institute. Nukus, Uzbekistan

<sup>4</sup>Samarkand State University named after Sharaf Rashidov. Uzbekistan

✓ **Resume**

**To develop preventive measures by studying the frequency of giardiasis among children in the Samarkand region.**

**Key words: giardiasis, bolalar, epidemiology.**

**Долзарблиги**

**И**нсон гелминтозлари глобал муаммо бўлиб, кўплаб мутахассисларнинг алоҳида эътиборини талаб қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти гелминтознинг инсон саломатлиги ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига етказадиган зарарини камайтириш учун кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда [2].

Гелминт инвазиялари (гелминтозлар) бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб, улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган одамлар орасида энг кўп учрайдиган патология ҳисобланади. Бу муаммо айниқса болалик даврида аҳамиятлидир, чунки юқтирганларнинг аксарияти (80%) кичик ёшдаги беморлардир [6]. Ҳар йили бир миллиардга яқин одам гелминтларни юқтиради. Гелминтозлар билан оғриган беморларнинг сони ўтқир респираторли инфекциялар ва грипп билан оғриган беморларнинг сонидан-да ошади. Худди шу маълумотларга кўра, 2006 йилга келиб, дунёда паразитар касалликларга чалинган 4,5 миллиард одам рўйхатга олинган, шу жумладан Европанинг ҳар учинчи аҳолиси у ёки бу паразит билан зарарланган [7,9].

Medline маълумотларига кўра ушбу мавзуга қизиқиш жуда катта бўлиб фақат 2000-2010 йилларда лямблиоз инвазияси муаммоси бўйича 1320 дан ортиқ мақолалар нашр этилган, улардан 78 таси шарҳловчи мақолалар бўлиб ва бу маълумотларга кўра ушбу масала бўйича ҳар ойда тахминан 11 та илмий мақолалар нашр этилган [5].

ЖССТ (2012) геогелминтозлар билан зарарланиш хавфи даражасига кўра мактаб ёшидаги болалар ўрасида геогелминтозлар тарқалганлиги бўйича қуйидаги таснифини тавсия қилади: юқори хавfli ҳудудлар  $\geq 50\%$ ; ўртача хавф зоналари  $\leq 50\%$  то  $\geq 20\%$  гача; кам хавfli ҳудудлар  $\leq 20\%$ .

ЖССТ маълумотларига кўра, лямблиознинг тарқалиши ҳар 100 000 бола сонига 350 та ҳолат кузатилмоқда. Россия Федерациясида(РФ) ҳар йили 130 мингдан ортиқ лямблиоз ҳолатлари қайд этилади, уларнинг 70 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Д.С.Алекашина ва ҳаммуаллифлари (2021) томонидан Астрахан областида болаларда *Lambliа intestinalis* инвазияси диагнози билан 2,5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 131 болаларда тадқиқотлар олиб борилган, шулардан 42% мактаб ёшидаги болалар. Ошқозон-ичак йўли паразитар зарарланиши 60% мактаб ёшидаги болаларда аниқланган, булардан кўпчилиги 7 ёшдан 14 ёшгача болаларда (63,6%) кузатилган. Бошқа маълумотларга кўра, Россияда ҳар йили 130 мингдан ортиқ лямблиоз ҳолатлари қайд этилади, уларнинг 70 фоизи 14 ёшгача бўлган болаларга таъсир қилади [6]. Кравченко Д.А., ва б. (2025) келтирган маълумотларга кўра, Астрахан шаҳрида паразитар инфекциялардан лямблиоз 1240 (19,6%) учраган, бунда 1109 (82,8%) болаларни ташкил қилган [4].

Одамларда кенг тарқалган паразитлари қаторига лямблиоз кириб, бу нафақат катталар, балки болалар паразитологиясининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Эпидемиологик анамнезни йиғишда инфекциянинг асосий сабаблари: 19 (57,6%) шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, 14 (42,4%) ҳайвонлар билан контактда бўлиш: мушуклар билан - 10 (71,4%), итлар орқали - 4 (29,6%) юқиши мумкинлиги аниқланди. Онихофагия (тирноқ тишлаш одати) 7 та (21,2%), геофагия (кессак истеъмол қилиш одати) - 9 та (27,3%) бола томонидан қайд этилган [2].

Қирғизистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, паразитар касалликлар билан касалланганлар сони йилига 40 мингдан ошади. Республикада қайд этилган паразитар касалликлар орасида гелминтозлар билан касалланиш жами ўртача 85% ни ташкил этади, улардан текширилган 1000 кишидан лямблиоз билан касалланиш 45,5 кузатилади[3].

З.Г. Ҳасанов ва бошқаларнинг(2020) сўзларига кўра, 2015-йилда Душанбе шаҳри аҳолисининг лямблиоз билан касалланиш даражаси 100 минг аҳолига 62,0 улуш (586 киши), 2016-йилда 100 минг аҳолига 49,0(465 киши), 2017-йилда 100 минг кишига 56,0(531 киши) тани ташкил этган бўлиб, аҳоли 2018 йилда 100 минг аҳолидан 83,0 (780 киши), 2019 йилда 100 минг аҳолида 71,0 (666 киши) зарарланиши кузатилган [8].

Агзамходжаева Н.С. (2024) берган маълумотга кўра, текширилган 78 болалардан 48 тасида лямблия цистаси аниқланган, 20 болада касаллик симптомсиз ва 23 болада субклиник кечиши кузатилган [1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида болалар ўртасида тиббий муаммо сифатида ичак паразитозларидан лямблиоз билан боғлиқ вазият жуда кам ўрганилганлигини билиш мумкин.

Самарқанд вилоятида болаларда лямблиз билан касалланиш ҳолатларини чуқур ўрганиш, касаллик ўчоқлари шаклланишининг экологик-ижтимоий асосларини, етакчи омиллари ва эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш Республикамизнинг минтақавий муаммоси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда бу масалаларнинг ечими болаларда ичак паразитозини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

**Тадқиқот мақсади:** Самарқанд вилояти шароитида болалар ўртасида лямблиоз инвазиясининг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш орқали профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

### Материал ва усуллар

Самарқанд вилоятида уюшмаган ва уюшган болалар ўртасида лямблиозни иниқлаш бўйича тадқиқотлар 2024-йилнинг июл-ноябр ойларида олиб борилди. Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг туман оилавий поликлиникалари (ОП): Ургут(Мўминобод ОП, шаҳар ОП), Қўшработ, Пахтачи (шаҳар ОП, Иттифоқ ОП, Пўлатчи ОП), Нарпай (Юлдуз ОП, Ибн-Сино ОП) ҳамда Самарқанд шаҳрининг (№6 ОП) поликлиникаларида ўтказилди.

2023-йилда институт клиник лабораториясига мурожаат қилган болалар ўртасида лямблиознинг учраш даражаси 1120 болаларда ўрганилди.

Институт клиникасида стационар усулда лямблиоз билан даволанган болаларнинг 5 йиллик ретроспектив маълумотлари таҳлил қилинди.

Лямблиозни аниқлаш икки усулда олиб борилди: натив суртма усули ва перианал бурмадан кириб олиш. Натив суртма усулида копрологик текшириладиган нажасни ҳар жойидан кам миқдорда олиб предмет ойнасига 50% глицерин томчисига, натрий хлорнинг изотоник эритмасига ёки сувга қўшиб суртилади ва аралашма ойна қоплагич билан ёпилади ва микроскопда кўрилади. Перианал бурмадан кириб олиш (лямблия тухумларини аниқлаш учун) эрталабки соатларда амалга оширилди. Сувда ёки 50% глицеринда ҳўлланган чўп шпател билан анал соҳа атрофидан кириб олинади. Олинган материал предмет ойначага бир томчи сув ёки 50% глицерин эритмасига ўтказилади ва микроскоп остида кўрилади.

### Натижа ва таҳлиллار

Самарқанд вилоятида болалар ўртасида лямблиознинг учраш даражасини аниқлаш мақсадида Самаарқанд вилояти бўйича гелминтларга текшириш 1284 та болаларда ўтказилди, бунда 1 ёшдан 14 ёшгача болалар камраб олинди, шундан лямблияга суртма усулда 172 та бола, копрограмма усулида 381 та болалар текширишдан ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвал.

#### Самарқанд вилоятида болалар ўртасида лямблиознинг учраш даражаси


| Шаҳар, туман поликлин икаси номи | Текширилган болалар ёши | Анал соҳадан суртма олиш |                  |             | Копрограмма |                  |             |
|----------------------------------|-------------------------|--------------------------|------------------|-------------|-------------|------------------|-------------|
|                                  |                         | Анализ сони,             | Лямблия цистаси. | %           | Ан. Сони    | Лямблия цистаси. | %           |
| <b>Уюшмаган болалар</b>          |                         |                          |                  |             |             |                  |             |
| Ургут туман                      | 1-6 ёш                  | 140                      | 16               | 11,4        | 13          | 5                | 38,4        |
| Самарқанд шаҳрининг №6 ОП        | 1-10 ёш                 | 9                        | -                |             | 30          | 4                | 13,3        |
| Пахтачи туман.                   | 6-14ёш                  |                          |                  |             | 187         | 34               | 18,1        |
| Нарпай тумани                    | 6-14 ёш                 |                          |                  |             | 86          | 15               | 17,4        |
| Жами:                            |                         | 149                      | 16               | 10,7        | 303         | 58               | 19,1        |
| <b>Уюшган болалар</b>            |                         |                          |                  |             |             |                  |             |
| Қўшработ тумани,                 | 7-10 ёш                 | 23                       | 8                | 34,7        | 78          | 29               | 37,1        |
| <b>Жами</b>                      | <b>1284</b>             | <b>172</b>               | <b>24</b>        | <b>13,9</b> | <b>381</b>  | <b>87</b>        | <b>22,8</b> |

Уюшмаган 149 болаларда суртма усулида тахлил натижалари шуни кўрсатдики, лямблиоз 16 болада аниқланди, бу 10,7% ташкил қилди, копрограмма усулида текширилган 303 та болаларнинг 58 тасида лямблиялар аниқланди - 19,1%. Энг юқори кўрсаткич Ургут тумани болалари ўртасида кузатилиб, лямблия цисталари суртма усулда 11,4% ва копрограмма усулида 38,4% болаларда учраши аниқланди. Қолган туманларда копрограмма усулида лямблиоз 17-18% болаларда қайд этилди.

Уюшган, яъни мактаб ёшидаги 7-14 ёшгача болалар ўртасида гелминтозлар учраши қуйидагича бўлди: суртма усулда текширилган 23 болалардан 8тасида (34,7%) лямблия цисталари аниқланган бўлса, копрограмма усулида эса, 78 боладан 29 тасида ((37,1%) лямблиоз топилди.


Жами Самарқанд вилояти бўйича бу кўрсаткичлар: суртма усулида 172 болаларнинг 24тасида лямблия(13,9%) аниқланган бўлса, копрограмма усулида эса, 381 болалардан 87тасида(22,8%) лямблиоз тухумлари топилди.

Шундай қилиб, Самарқанд вилоятида уюшмаган ва уюшган болалар ўртасида лямблия цисталари текширилган 553 болаларнинг 111тасида аниқланди, бу 20% ташкил қилади, ҳар 1000та болага нисбатан касалланиш - 11 учрайди. Шундан, уюшмаган ва уюшган болалар ўртасида лямблиоз учраш даражаси уюшган болаларда 10% га кўп бўлиб, 35% ва 45%га тенг бўлди (1-расм). Бу ўз навбатида мактаб ёшидаги болаларда санитария-гигиеник ва эпидемиологик чора-тадбирларни кучайтиришни талаб этади.



1-расм. Уюшган ва уюшмаган болалар ўртасида лямблиоз учраш даражаси.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги микробиология, вирусология юқумли ва паразитар касалликлар илмий тадқиқот институти клиникасининг тиббий гелминтология лабораториясига 2023-йилда мурожаат қилган болалар ва катталар ўртасида лямблиознинг аниқланиш даражаси тахлили натижасига кўра, қуйидаги маълумотлар олинди: жами лаборатория тахлили ўтказилганлар сони - 1120 киши, шундан, 567 кишиларда (50,6%) лямблия цистаси аниқланди. Ёшига нисбатан ўтказилган тахлил натижаси шуни кўрсатдики (2-расм), 1 ёшдаги болаларда лямблиоз аниқланмади, 2 ёшдан 18 ёшгача болалар ўртасида лямблия цисталари аниқланганлар сони 431(76%), 19 ёшдан ошган катталарда бу кўрсаткич - 136 (24%) ни ташкил қилди.



2-расм. Болалар ва катталар ўртасида лямблиознинг аниқланиш даражаси.

Шундай қилиб, болалар ўртасида лямблиознинг учраши катталарга нисбатан 3 марта кўп бўлиб, 76% ва 24% га баробар.

Ёшига нисбатан лямблия цистасининг аниқланиш даражасини тахлили шуни кўрсатадики, лямблиоз 7-12 ёшда 221 болаларда (51,2%) аниқланди, 13-18 ёшли болаларда бу кўрсаткич -112 (26%), 2-6 ёшдаги болаларда -98(27,7%) тенг бўлди (2-жадвал).

2-жадвал


**2023 йил тиббий гелминтология лабораториясида лямблиоз аниқланган беморлар**

| Ёши      | 2  | 7-  | 13- | 19- | 26- | 31- | 41- | 51- | >  |
|----------|----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|----|
|          | -6 | 12  | 18  | 25  | 30  | 40  | 50  | 60  | 60 |
| Лямблиоз | 9  | 221 | 112 | 53  | 27  | 42  | 6   | 4   | 4  |
|          | 8  |     |     |     |     |     |     |     |    |

Катталарда лямблиознинг учраши 19-25 ёшдагиларда кўплиги аниқланиб, 53(39%) ташкил қилди, 31-40 ёшда 42(31%), 26-39 ёшда -27(20%), қолган ёшдагиларда бу кўрсаткич 3% атрофида учраши қайд этилди.

Шундай қилиб, паразитозларга гумон қилиниб клиник лабораторияга мурожаат қилган кичик мактаб ёшидаги болаларда 51% ташкил қилди, бошқа ёшдаги болаларга нисбатан бу кўрсаткич 2 марта кўп учраши аниқланди, катталар ўртасида лямблиознинг энг кўп учраши 19-25 ёшга тўғри келиб, 53(39%) ташкил қилди ва 31-40 ёшда -42(31%).

Лямблиознинг жинсга нисбатан учраши тахлил қилинганда куйидаги маълумотлар олинди: 2-18 ёшдаги ўғил болаларнинг 251 тасида (58,2%) ва қиз болаларнинг 180тасида (41,7%) лямблиоз аниқланди. Катта ёшдаги эркекларда бу кўрсаткич - 76(55,8%), аёлларда- 60(44,1%) га тенг бўлди (3-расм).



**3-расм. Лямблиознинг жинсга ва ёшга нисбатан учраш даражаси.**

Демак, лямблиознинг жинсга нисбатан учраши 2-18 ёшдаги ўғил болаларда 58,2%, қиз болаларда 41,7% ҳолатларда аниқланди, катта ёшдаги эркекларда бу кўрсаткич - 55,8%, аёлларда - 44,1% га тенг бўлди.

Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги Л.М.Исаев номидаги микробиология, вирусология юкумли ва паразитар касалликлар илмий тадқиқот институти клиникасида стационар усулда лямблиоз билан даволанган болаларнинг 5 йиллик ретроспектив маълумотлари (5-жадвал) шуни кўрсатадики, 2018 йилда лямблиоз билан стационарга 221та бемор болалар ётқизилган бўлса, 2022-йилда бу кўрсаткич 2348 тага ошган.

## Стационарга лямблиоз билан ётқизилган болаларнинг ретроспектив кўрсаткичлари

| Йиллар | Стационарда даволанганлар сони |
|--------|--------------------------------|
| 2018   | 2211                           |
| 2019   | 1660                           |
| 2020   | 941                            |
| 2021   | 1764                           |
| 2022   | 2348                           |

Шундай қилиб, стационар усулда лямблиоз билан даволанган болаларнинг ретроспектив маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, сўнгги 5 йилда лямблиоз касаллиги болалар ўртасида кампайиш тенденциясига нисбатан кўпайиши қайд этилмоқда.

## Хулоса ва тавсиялар

1. Лямблиоз аниқланган болаларни диспансер назоратига олиш, оиласидаги бошқа контактда бўлган болаларни ҳам гелминтологик текшириш ва дегилминтизация чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.
2. Уюшган болаларни ҳар 3 ойда паразитар касалликларга таҳлил қилиб бориш.
3. Мактабгача муассасалар ва мактабларда фаолият юритувчи тиббий ва педагог ходимлар ўртасида паразитар касалликларни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги семинар ва очик дарслари ўтказиш.
4. Ота-оналарга паразитар касалликларини олдини олиш борасидаги тиббий билимларини ошириш учун тарқатма материаллар ва кўлланмалар тарқатиш

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Агзамходжаева Н.С. Частота встречаемости лямблиоза среди детей в детской клинике. Американский журнал образования и обучения. том 2 № 5 (2024)
2. Алексашина Д.С., Аракельян Р.С., Богданьянц М.В., Окунская Е.И., Коннова О.В., Сергеева Н.А., Досмухамбетов Р.А., Лунева С.А. Паразитарные поражения желудочно-кишечного тракта у детей школьного возраста по результатам клинического и ультразвукового исследований. // Педиатрия. Том 20, № 3 (2021). С.29-32.
3. Исаков Т.Б., Раимкулов К.М., Тойгомбаева В.С., Эпидемиологическая ситуация по инвазированности гельминтозами южного региона Кыргызской Республики. // Журнал Медицинская паразитология и паразитарные болезни. 2021. №1ю С.47-53.
4. Кравченко Д.А., Тарасова А.В., Аракельян Р.С., Маслянинова А.Е., Касаткин Д.Н., Бештаов Д.Х., Арцуева Х.Б., Ахмаров Н.В., Ахмедпашаев Г.Т. Клинические и эпидемиологические аспекты лямблиоза у детей. Здоровоохранение Российской Федерации. 2025;69(1):95-100. <https://doi.org/10.47470/0044-197X-2025-69-1-95-100>. EDN: iwyrpb.
5. Одинцева В.Е. Современные особенности диагностики и лечения глистнопаразитарных инвазий у детей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.м.н. Санкт-Петербург. 2010. 23 с.
6. Сарбашева М.М., Жекамухова М.Х., Чилаев С.Ш., Биттиров А.М. Диагностика и терапия лямблиоза у детей: проблемы и решения//Российский паразитологический журнал.2009. №2. С. 92-96.
7. Халафли Х.Н. Социально-эпидемиологический анализ распространения гельминтозов среди детей.// Фундаментальные исследования. - 2010. - №3.-С.138-143; URL:<http://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=6666>.
8. З.Г. Хасанов, З. Дж. Фатихова, О.Х. Саидова, Ф.И. Одинаев, Ш.Ф. Одинаев. Распространенность аскаридоза, энтеробиоза и лямблиоза среди населения Республики Таджикистан в современных социально-экономических условиях. Здоровоохранение Таджикистана, №3, 2020. С.57-63.
9. Cooper E.S., Whyte-Alleng C.A.M., Finzi-Smith J.S. Intestinal nematode infections in children: the pathophysiological price paid // Parasitology. - 2006. - Vol.104, № 2. - P. 91- 103.

Қабул қилинган сана 20.03.2025